

МУЗАФФАР НАИМОВ

**СУРХОН
ҚЎШИҚЛАРИ**

III-қисм

МУЗАФФАР НАИМОВ

СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ

(Муסיқа йўналишидаги ўқув даргоҳлари талабалари учун
фольклор қўшиқ ижрочилиги фанидан ўқув қўлланма)

К И Р И Ш

Юртбошимизнинг эътиборлари ва саъйи ҳаракатлари туфайли бебаҳо хазинамиз ҳисобланмиш маросимларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз тубдан ижобий томонга ўзгариб ўз қадрини топмоқда. Маросимларимизни гўзал ва мафтункорлигини кўрган ҳар бир инсон ундаги миллий либосларимизни бетакрорлигига, бевосита маросим билан боғлиқ кўшиқларимизнинг илдизи узок тарихдан дарак беришига, рақсларимизнинг ўзига хос мактаби борлигига амин бўлиб тасаннолар айтгиси келади. Воҳага хос халқ кўшиқларини йиғиб “Сурхон кўшиқлари” деб номлаб 1997 йилда I-қисми, 2000 йилда II-қисмини нашрдан чиқаришга эришдик. Баҳоли қудрат изланишлар самараси сифатида ушбу тўпламнинг III-қисми тўй кўшиқлари, мавсум, мавсумий меҳнат кўшиқлари, йилнома-тақвим кўшиқлар ва ундан ташқари турли мавзудаги кўшиқлардан иборат бўлиб, тўпламда киритилган кўшиқларнинг ижрочилари ҳақида ҳам маълумотлар фото-суратлар берилган. Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Сариосиё, Узун туманларида олиб борилган экспедициямиз маҳсули сифатида ушбу тўплам юзага келди. Халқ кўшиқларини ёзиб олиш, тўплаш, ноталаштиришдан мақсуд бу кўшиқларга янгитдан ҳаёт баҳшида этиш ва келгуси авлодга етказиш, бундан баҳраманд қилишдир. Тўпламдаги кўшиқлар келгусида фольклор жамоалар репертуарларида янада сайқал топиб, ўз тароватини намоён қилиб кўрсатишига ишонамиз. Ҳаёт даво этар экан ижод ҳеч қачон сўнмайди, тўхтамайди. Шундай экан келгусида ушбу тўпламнинг IV-қисмини ҳам нашрга тайёрлаш ишларини олиб бормоқдамиз. Хуллас, “Сурхон кўшиқлари” тўпламининг III-қисми фольклор жамоалар, ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамбллари раҳбарларига ва мусиқа йўналишидаги ўқув даргоҳлари талабаларига фойдаланиш учун тавсия этилади. Тўплам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни самимият ила кутиб қоламиз.

Тўй маросим қўшиқлари

Лайлало

Сурхондарёнинг тоғли Ўшор қишлоғи ҳудудига хос қўшиқ бўлиб, тўйларда фақат аёллар томонидан ижро этилади. Қўшиқда қизларнинг ёрларига нисбатан севги муҳаббатлари ҳазил сўзлар орқали акс эттирилади. Қўшиқ доира жўрлигида ижро этилганда уфори усуллар силсиласида қизалокдан кампиргача даврани тўлдириб рақсга тушишади. Қўшиқ шўх, рақсбоп оҳангда ижро этилади.

Пахтаро гир(Пахтани ол)

Денов тумани тоғли Ўшор қишлоғида азалдан ўзбеку-тожик бир оиладек яшаб келишади. Улар бир-бирларининг тилларига тушуниб, кўплари икки тилда ҳам гаплашаверадилар. Тўй маросимларида ҳам ўзбекча, ҳам тожикча қўшиқлар ижро этилади. Никоҳ тўйида куёв келинни уйга киргизганидан кейин аёлларимиз томонидан “Пахтаро гир” қўшиғи ижро этилади. Бу қўшиқ вилоятнинг шу ҳудудига хос бўлиб, бошқа жойларда қайд этилмаган. Икки аёл қўлларига оппоқ пахта олишиб, шу қўшиқни куйлашади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб енгил, ҳазил, юмор тариқасида куйланади.

Нақш

Суннат тўйи куни туш пайтида элга ош тарқатилгач, “нақш” базми бошланади. Базмда эркаклар икки томонга бўлиниб, бир-бирларига қарата байт айтишни бошлашади. Байтни бир киши айтиб қолганлари бас, бас, бас, бас сўзларига жўр бўлишади. Иккинчи томон ҳам шу тариқа давом эттириб даврани қиздиришади. Айтишув сифатида ижро этилган ушбу қўшиқ фақат воҳанинг Дашнобод қишлоғига хосдир. Айтишувнинг ҳар бир банди янги сўзлар билан бадиҳагўйлик тарзида бойитилиб боради. Ҳар бир банд ўз мазмунига эгадир. Айтиладиган сўз бўғинларига маълум товуш тўғри келади, шу туфайли регитатив ижро услуби ҳосил бўлади. Ижрочилар овози баланд товушларда жаранглайди. Ритмик услуби равон, ижро ҳаракат жараёнида намоён бўлади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, тез темпда чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

Ёр-ёр

Бу қўшиқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кўп йиллар фарзандларини вояга етказиб келин-куёв либосида кўриш, висол оқшомларида айтиладиган ёр-ёр қўшиқларини ҳар қайси ота-она интиқлик, соғинч ва умид билан кутади. Қизни ота-онаси уйдан узатаётганда ва куёвнинг хонадонига кириб бораётганда ёр-ёр қўшиқларини айтилиши беихтиёр ота-оналар кўзида севинч ёшларини пайдо қилади. Бу қўшиқда ота-онанинг таърифи, орзу-умиди, келин ва куёвнинг бахти, саодати, муҳаббати, вафоси, серфарзанд бўлишлари иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида бу қўшиқларни куйлаётган аёлларимиз ҳазил мутойиба тариқасида келин-куёвга, оғайниларига, қўшниларига атаб ҳазиолмуз бандлар ҳам тўқиб куйлашади.

Наврўз кўшиқлари

Оҳай-оҳай

“Наврўз” сайлларида ижро этилиб, байрамга ўзига хос кўтаринкилик кайфияти бахш этади. Кўшиқ ёрга нисбатан ҳазил-мутойиба сўзлардан иборат бўлиб, шўх, ўйноқи оҳангда ижро этилади. Кўшиқ фақат аёллар томонидан куйланиб, унинг ҳар бир банди бир хил оҳангда айтилади. Ушбу кўшиқ Шўрчи туманига хос бўлиб бошқа жойларда қайд этилмаган.

Оҳ-воҳ

“Наврўз” сайлларида фақат эркаклар томонидан ижро этилган кўшиқлардан бири ҳисобланади. Кўшиқ шўх, енгил лапар услубида айтилади. Кўшиқ мазмуни севги муҳаббат, ёрга, сайл иштирокчиларига нисбатан ҳазил сўзлардан иборат бўлсада, асосий мақсад сайл иштирокчиларини ўйинга, рақсга чорлаш бўлган. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, куйи калта диапазонда енгил ва жозибали характерда ижро этилади.

Бедана

Баҳор келиши билан атроф кўм-кўк либосга ўраниб олади. Бир томонда майсалар қийғос очилса, бир томонда лола қизғалдоқлар фалакка қараб бўй чўзиб шамол таъсирида гўёки рақсга тушаётгандай тебраниб туради. Табиатнинг ҳуснкор фаслида халқимиз қадимдан сайлларга чиқишиб хурсандчилик қилиб, кўшиқлар куйлашган. Майсазорларда бир жойдан бошқа жойга кўниб “пит-пилиқ” деб сеҳрли сайрашлари билан одамни ўз оғушига тортадиган бедана куши ҳақида ҳам кўшиқлар тўқишган. Кўшиқда бедананинг чиройли сайраши, қизларнинг баъзи қирралари ҳазил юмор тариқасида енгил, шўх ўйинбоп характерда куйланади.

Мавсумий меҳнат маросим кўшиқлар

Ёзи

Бугдой ўрими пайтида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган бу кўшиқ ўроқчилар кўнглини кўтариб уларга тетиклик бахш этиб, чарчоқларини унутишга ёрдам берган. Кўшиқ сўзлари чўзиб куйланиб байт охирида эса ҳамма “обло” сўзига жўр бўлишган. Кўшиқ куйи жозибадор, бир оҳангда диалог шаклида бўлиб, жўрсиз айтилган. Шунинг учун куйловчилардан катта маҳорат талаб этилган.

Майда

Сурхондарёда “майда” кўшиғининг бир неча вариантлари мавжуд. Тоғли Ўшор қишлоғида айтиладиган бу кўшиқ Бойсун “майда” кўшиғидан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Бойсун “майда” кўшиғида асосан деҳқоннинг ишини енгил қиладиган хўкизга аталган сўзлар устивор бўлса, Ўшор “майда” кўшиғида эса қизнинг, ёрнинг муҳаббати, висоли, гўзаллиги ҳақидаги сўзлар куйланади. Бойсун варианты шўх ижро этилса, Ўшор варианты секин, чўзиброк, чолғуларсиз куйланади.

Йилнома-тақвим қўшиқлар

Раббиман

Рўза ойининг учинчи кунда хонадонма-хонадон юриб, айтиладиган қўшиқ Сурхондарёда “Рамазон” “Раббиман” деб аталади. Шундай қўшиқларни айтувчиларни рамазончилар ёки раббиманчилар дейишади. Раббиман қўшиғининг асосий мазмуни хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, хонадон соҳибларига эса яхши ниятлар тилаш ва рўза ойининг муқаддаслиги, файзу-баракот келтирувчи ой эканлиги куйланади. Раббиманчилар эрта саҳардан ёки кечга яқин уч киши уйма-уй юриб шу қўшиқни айтишади. Бир киши қўшиқ бандларини айтса, қолган икки киши раббиман нақоратига жўр бўлишади. Қўшиқ охиригача ижро этилиб бўлгач, хонадон эгалари имкон даражада раббиманчиларга топганини кўнгилдан чиқариб беришади. Бу қўшиқни ҳавас билан ғурур ва қувонч билан ёшу-қарилар ижро этишади.

Турли мавзудаги халқ қўшиқлари

Во вelay (Вой ўлай)

Айрилиқда қолган севиқли ёр томонидан чўзиб куйланадиган ғамгин қўшиқ бўлиб, яккахон томонидан ижро этилади. Қўшиқ сўзларида душманга нисбатан нафрат туйғулари яққол кўзга ташланади. Қўшиқ диапазони квинта оралиғида бўлиб, мусиқа жўрлигисиз куплет тарзида айтилиб, бир оҳанг қайта-қайта такрорланади. Воҳанинг тоғли ўшор қишлоғига хос бу қўшиқ бошқа жойларда қайд этилмаган.

Ҳай доғу-доғ

Бу қўшиқ йигитнинг севгилисига нисбатан айтилган дил дардларини изҳор этиши, ёр висолига етишиш учун ўртаниш, қизнинг камон қошлари, уни кўрганда ақлу-ҳушидан айрилиб лол қолиши, ишқ ўтида ёниши ва соғинч каби ҳис-туйғулар шўх оҳанглар орқали куйланади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, мусиқа чолғулар жўрлигида айниқса доирада уфур усуллариининг сарфланиши қўшиққа янада кўтаринкилик руҳиятини бағишлайди.

Дўрма

Қўшиқда йигит ва қизнинг гулзорда сайр қилишлари, қизнинг гўзаллиги, ёшлик шўхликлари сурма тортилган қошу-кўзларининг мафтункорлиги, ноз қарашмалари, йигитнинг қизга нисбатан муҳаббати лирик оҳангда куйланади. Қўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, ўртача тезликда шўх, ўйноқи тарзда ижро этилади.

Ҳуёлло

Сурхон воҳасига хос бўлган алла қўшиқларидан яна бир тури бўлиб, улар боболаримиз томонидан болани юпатиш, эркалаш, суйиш, овутиш қўшиғи сифатида алоҳида ўрин тутди. Болани эркалаш айрим ҳолатларда ухлатиш, ором олдириш учун айтиладиган бу қўшиқ ўзига хос регитатив оҳангда такрорланиб, сатрлар охирида “йу-хуй” сўзлари такрорланади. Қўшиқ оҳанги бир ҳолат ва

услугда айтилади, унинг диапазони калта(терция оралиғида) ритм услуби равон, шакли ҳам текис даврия тузилишида. Бу кўшиқнинг нафақат сўзлари, балки оҳангида ҳам воҳага хослик сезилиб туради, ушбу айтимлар ўзининг лиро-эпик характери билан ажралиб туради.

Лолача

Уфор усулида ижро этиладиган бу кўшиқда ёрнинг “лола” ўсимлигига қиёсий ўхшатилиши, эркалатиш, ёрга етишиш каби сўз ўйинлари куйланади. Кўшиқ ўйноқи, рақсбоп характерда ижро этилади. Яккаҳон ҳар бир куплетни куйлагандан кейин қолганлар нақоратга жўр бўлишади. Сўз бўғинларининг доира усуллари билан ҳамоҳанг бўлиши кўшиққа янада кўтаринкилик бахшида этади.

Воҳ-воҳ тўрам

Кўшиқда ёр(тўра)га нисбатан ҳазиломуз илтижоси, эркалиги, унга зеб бериб турувчи кокили сочларига тақилган жамалаги, унинг гўзаллиги ва нозиклиги куйланади. Кўшиқ мусиқа чолғулар жўрлигида енгил, шўх, ўйноқи оҳангларида ижро этилади. Кўшиқ ижроси давомида “бўлама”(бўлармиш) каби сўзларнинг бир неча бор такрорланишида бойсунликларга хос шева яққол сезилиб туради.

Алла

Она қалбининг тўридан орзу-армонларининг дард ҳасратларини ва бешиқда ётган боланинг қошу-қўзларини, келгусида ўсиб улғайиб камол топишини, висол оқшомлари насиб этишини ифодаловчи сўзлар маълум оҳанглари билан, нолалари билан жилоланиб ҳамоҳанг бўлиб алла кўшиғига айланади. Оналари алласининг оҳанги ва ижроси ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Бешиқни бир маромда секин-аста тебратилиши кўшиққа майинлик бахш этиб болани тинч ухлашига ва ором олишига ёрдам беради. Маълумки, кўшиқ чолғуларсиз ижро этилади, шунинг учун куйловчидан катта маҳорат талаб этилади. Бу алла кўшиғида даҳшатли уруш қанчалар оналарнинг тинчини бузиб, кулфатлари келтиргани ва урушга кетган аскарларнинг севикли ёрлари томонидан куйланган айрилиқ, соғинч, ўкинч каби ғамгин нолалари ўрин олган.

Янгажон

Қайноға(қайни) томонидан янганинг қошлари, кўзлари, юзларини гўзаллигини ва кийган либослари ярашганлигини ҳазил-мутуйиба тариқасида таърифлаб айтиладиган кўшиқ бўлиб, хушчақчақ, енгил, шўх, рақсбоп оҳанглари билан айтилади. Кўшиқ бандлари яккаҳон томонидан ижро этилиб, нақоратга эса ҳамма жўр бўлади.

Дўрма

Қошинг қаро пайваста,
Сен баланда мен пастда.
Иккаламиз гулзорда,
Қўлимизда гулдаста.

Нақорат

Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингга сурма.

От бойладим ёнғоққа,
Ҳазил қилма бўйдоққа.
Ҳазил қилсанг бўйдоққа,
Олиб кетар йироққа.

Нақорат

Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингга сурма.

Том устида пиёла,
Ичи тўла гуллола.
Имлаб аста чақирсам,
Уялади қиз бола.

Нақорат

Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингга сурма.

Олманинг нозиклигидан,
Кўринади донаси.
Баргига шабнам тушибди.
Биз анинг девонаси.

Нақорат

Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингга сурма.

Сув бошида ўлтириб,
Сувни лойқатма ёрим.
Беқасамдан тўн кийиб,
Юрак ўйнатманг ёрим.

Нақорат

Ҳа дўрма, дўрма, дўрма,
Қошу кўзингга сурма.

Во-велей (Вой ўлай)

Томда узум осилсин-ей во велей,
Балдоғидан узилсин-ей во велей.
Душман юрган йўлларга-ей во велей,
Чақир тикан босилсин-ей во велей.

Теракнинг учгинаси-е, во велей,
Пистанинг пучгинаси-е, во велей.
Тили ширин бўлади-е, во велей,
Боланинг кичкинаси-ей, во велей.

Қўй келар энишдан-е, во велей,
Оёқлари кумушдан-е, во велей.
Энди биздан умид йўғ-е, во велей,
Жой беринглар беҳишдан-е, во велей.

Ариқ лабини ўйдим-е, во велей,
Чаккамга гуллар тақдим-е, во велей.
Ёрим ёдимга тушиб-е, во велей,
Соғинганда кўп куйдим-е, во велей.

Воҳ-воҳ тўрам

Нақорат:

Воҳ, воҳ тўрам босманг жамалагимни,
Бекорга босасиз, зар кокилимни.
Зар кокилим заранчага илинди,
Бурбай гўштим чақамуққа тилинди.

Қиз дегани мунча нозик бўлурму?
Орқа сочи доими ёзиқ бўлурму?
Орқа сочи доими ёзилганда,
Бир боқиши олти ой озиқ бўлурму?

Нақорат:

Воҳ, воҳ тўрам босманг жамалагимни,
Бекорга босасиз, зар кокилимни.
Зар кокилим заранчага илинди,
Бурбай гўштим чақамуққа тилинди.

Эрта билан мол ҳайдадим подага,
Отини айтсам чиқармикан далага.
Отини айтсам чиқолмаса далага,
Бориб айтинг, ўшал золим болага.

Нақорат:

Воҳ, воҳ тўрам босманг жамалагимни,
Бекорга босасиз, зар кокилимни.
Зар кокилим заранчага илинди,
Бурбай гўштим чақамуққа тилинди.

Раббиман

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Бир киши:

Пайғамбарнинг бир қизи Хадичадир,
Қўлида тилло қайчи тўн бичадир.

Нақорат: (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Шу уйнинг туйнугидан ой кўринар,
Ҳамма уйлардан шу уй бой кўринар.

Нақорат (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Шу уйнинг теvaraги қўйнинг изи,
Қарағай рўмол беринг бойнинг қизи.

Нақорат (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Қарағай рўмолингиз белимизга,
Мақтаб-мақтаб борайлик элимизга.

Нақорат (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Туяни жуллайверса жун чиқади,
Ҳар уйда шунча айтсак, кун чиқади.

Нақорат (2 киши)

Раббиман, ё раббиман, ё рамазон,
Моҳи мо облоҳи моҳи рамазон.

Ҳай доғ-у, доғингдан

Ҳай доғ-у, доғингдан сани,
Бодом қовоғингдан сани.
Каллапўшингни дол қўйиб,
Ўпсам дудоғингдан сани.

Қош агар пайваста бўлса,
Ўсмани гардон қилур.
Ёр агар нораства бўлса,
Ёрни саргардон қилур.

Кўргали келдинг бугун,
Суйдиргали келдинг бугун.
Мен ғариб бечорани,
Ўлдиргали келдинг бугун.

Кўрсам ҳам дилим куяр,
Кўрмасам ҳам дилим куяр.
Исмингиз ёдимга тушса,
Сўзамол тилим куяр.

Бедана

Беданажоним бутодир,
Менга қараб учодир,
Нимтана парча беданама,
Так-таки юлғун беданама.

Яхши қизга наввот бериб,
Лабидан ўпсам беданама.
Ёмон қизга қурмоқ бериб,
Баҳридан ўтсам беданама.

Яхши отга арпа бериб,
Кўпкари чопсам беданама.
Ёмон отга кепак бериб,
Сўқимга боқсам беданама.

Беданажоним учди.
Беда пояга тушди.
“Пит-пилик”, “ва-вақ” беданама.

Бойсун ёр-ёри

Қат-қатгина қатлама,
Қатланибди ёр-ёр.
Қизни олиб янгалар,
Отланибди ёр-ёр.

Осмондаги юлдузни,
Саккиз денглар ёр-ёр.
Саккиз қизнинг сардори,
Келин денглар ёр-ёр.

Араванинг тагига,
Сепдим кепак ёр-ёр.
Келин ойнанинг сеплари,
Саккиз ипак ёр-ёр.

Нима кийсанг ярашади,
Бўйгинанга ёр-ёр.
Ёр-ёр айтай деб келдимо,
Тўйгинанга ёр-ёр.

Ола қопдан отининг,
Хўржини бор ёр-ёр.
Куёв тўра билмаган,
Сирларим бор ёр-ёр.

Мен отимни қўшмайман,
Ёмон отга ёр-ёр.
Қандай жавоб берамано,
Қиёматга ёр-ёр.

Мен куёвга тиладим,
Бойчипор от ёр-ёр.
Минса қувнаб яйрасин,
Ул чипор от ёр-ёр.

Янгажон

Қошлари қаро,
Кўзлари қаро,
Юзлари аъло янгажон.
Ҳар бир боқишинг,
Бошимга бало янгажон.

Нақорат:

Қўшиғим қўшиқ,
Томоғим тешиқ,
Кулча нон берсанг,
Айтаман қўшиқ.

Эгнингда нимча,
Юзларим сипта.
Белингда хипча янгажон.
Сипта юзингдан
Бир бўса бергин янгажон.

Нақорат:

Қўшиғим қўшиқ,
Томоғим тешиқ,
Кулча нон берсанг,
Айтаман қўшиқ.

Дўст бўламиз (лолача)

Нақорат:

Маст бўламиз лолача,
Рост бўламиз лолача.
Эрта туриб салом деб-а,
Дўст бўламиз лолача.

Қизғалдоқ лола эмас,
Каппаси қалъа эмас.
Лола униб чиқмаса-е,
Бу дала – дала эмас.

Нақорат:

Маст бўламиз лолача,
Рост бўламиз лолача.
Эрта туриб салом деб-а,
Дўст бўламиз лолача.

Пичоғи йўқ қин эмас,
Юлдузи йўқ тун эмас.
Лолачани кўрмаса-ей,
Ўтган кунлар кун эмас.
Нақорат такрорланади.

Қиш ёғмаса қор эмас,
Стуми йўқ дор эмас.
Лолача мени ёрим-е,
Бошқалари ёр эмас.

Нақорат:

Маст бўламиз лолача,
Рост бўламиз лолача.
Эрта туриб салом деб-а,
Дўст бўламиз лолача.

Майда

Эй...

Майда айтган товушингдан-ей,
Майдаё, майда, майда.
Химча бахмал ковушингдай айлана-ей,
Майдаё, майда, майда.
Шунча ҳам биномни қўйдим каштага-ей.
Майдаё, майда, майда.

Эй...

Маймана кийиклари бўз-бўзгина-ей,
Майдаё, майда, майда.
Қаерга кетди бизни шаҳло қизгина-ей,
Майдаё, майда, майда.
Сўзи бир ваъдаси ёлғон қизгина-ей,
Майдаё, майда, майда.

Эй...

Маймана кийиклари хел бойлади-ей,
Майдаё, майда, майда.
Ёргинам кетаман деб бел боғлади-ей,
Майдаё, майда, майда.
Бизни ёр кетаман деб кетолмади-ей,
Майдаё, майда, майда.
Юрагим лахта-лахта қон боғлади-ей,
Майдаё, майда, майда.

Эй...

Бизни уйлар баланд тоғлардан нари-ей,
Майдаё, майда, майда.
Бир коса май беринг уйдаги пари-ей,
Майдаё, майда, майда.
Берган майинг менинг тагимга дори-ей,
Майдаё, майда, майда.
Аслингни сўрайман сен қайси пари-ей,
Майдаё, майда, майда.

Оҳ-воҳ

Нақорат:

Оҳу-во айтиб ўйнаймиз-ей, оҳ-воҳ,
Ўйнаб сира тўймаймиз-ей, оҳ-воҳ.

Мўйловгинанг товлагин-ей, оҳ-воҳ,
Ака кистанг ковлaгин-ей, оҳ-воҳ.
Ўйнаётган жувонни-ей, оҳ-воҳ,
Юрагини овлагин-ей, оҳ-воҳ.

Шилдир-шилдир шувоққа-ей, оҳ-воҳ,
Сирғанг тушиб қолопти-ей, оҳ-воҳ.
Синалмаган жойларга-ей, оҳ-воҳ,
Шу қиз тушиб боропти-ей, оҳ-воҳ.

Ўйинчи қиз билaгин-ей, оҳ-воҳ,
Майингина силагин-ей, оҳ-воҳ.
Сузук кўзли жононни-ей, оҳ-воҳ,
Қилиқларин тилагин-ей, оҳ-воҳ.

Шойи белбоғ, укажон-ей, оҳ-воҳ,
Макам бойла белингни-ей, оҳ-воҳ.
Ёринг олиб тўй бошлаб-ей, оҳ-воҳ,
Хурсанд қилгин элингди-ей, оҳ-воҳ,

Шилдир-шилдир сув оқар-ей, оҳ-воҳ,
Вахшиворда тонг отар-ей, оҳ-воҳ.
Лапанглаган Мастура-ей, оҳ-воҳ,
Йигитларга хуш ёқар-ей, оҳ-воҳ.

Мастуранинг мастони-ей, оҳ-воҳ,
Бир қучоқдир достони-ей, оҳ-воҳ.
Кўзлари хўп ярашган-ей, оҳ-воҳ,
Чиройлидир осмони-ей, оҳ-воҳ.

Боғда ўсма ўсмасин-ей, оҳ-воҳ,
Кимлар йўлим тўсмасин-ей, оҳ-воҳ.
Шу акамга айтинглaр-ей, оҳ-воҳ,
Ҳар кимга қўшилмасин-ей, оҳ-воҳ.

Бодом таги ботмон тош-ей, оҳ-воҳ,
Суйган ёрим қалам қошей, оҳ-воҳ.
Худо мeндaн айирма-ей, оҳ-воҳ,
Кўзлардан оқмасин ёш-ей, оҳ-воҳ.

Нақш айтишув қўшиғи

1-томондагилар:

Чумчуғим чириллайди,
Қаноти пириллайди.
Ёримга борай десам,
Кўппағи ғириллайди.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Узун сойга ўқ отдим,
Чакмонимни йўқотдим.
Ухлаб қолган ёримни,
Киш-миш бериб уйғотдим.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

1-томондагилар:

Нетарим сани билан,
Бўлмади мани билан.
Сан ёшгина ўғлонсан,
Саргардон сани билан.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Ошиқман арорим йўқ,
Кечага қарорим йўқ.
Бошимга мушкул келса,
Шу ишдан хабарим йўқ.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

1-томондагилар:

Янги ойнинг ойдини,
Тегирмоннинг гардуни.
Ҳеч бандага солмасин,
Шу боланинг дардини.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

2-томондагилар:

Югурдим етолмадим,
Қўл солдим, тутолмадим.
Кесилсин менинг тилим,
Арзимни айтолмадим.

Ҳамма: Бас, бас, бас, бас, бас.

Маълумот берувчилар:

1.Хурсандов Холиқ – “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, драматург, “Хуррият” газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири, 1945 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Туз бозор маҳалласида туғилган, миллати ўзбек. Ҳозирда Бойсун туман маданият уйида халқ ижодиёти бўйича услубчи вазифасида ишламоқда. “Лолача”, “Воҳ-воҳ тўрам”, “Ҳай доғу-доғ” кўшиқлари ёзиб олинган.

2.Ҳотамов Нарзулло – “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, 1940 йилда Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани катта Вахшивор қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. 2003 йил ноябр ойида “Оҳ-воҳ”, “Ҳуёлло” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

3.Худойназаров Сойиб – 1933 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Ўшор қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. “Ҳай ёре, ҳай дўст”, “Лайла-ло” “Вовелай” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

4.Турдиев Хуррам – 1930 йилда Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Дашнобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар колхозда ишчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. Дашнобод “Нақш” кўшиғи ёзиб олинган.

5.Норов Аҳмад – 1935 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Пожур қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар колхозда хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Йиғим-терим мавсумида айтиладиган “Ёзи”, “Маида” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

6.Соатова Ҳайитгул – 1952 йилда Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани Ижтимоят жамоа хўжалигида туғилган, миллати ўзбек, қўнғирот уруғидан. Шўрчи тумани Маданият уйи қошидаги “Булбули гўё” фольклор ансамбли қатнашчиси. 2003 йил “Наврўз” сайлларида айтиладиган “Оҳай-оҳай” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

7.Шарипов Нурали Бўри бахши ўғли - 1959 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Мустақиллик жамоа хўжалигида ишчи оиласида туғилган, миллати тожик. 2007 йил “Рамазон”, “Бедана” кўшиқларини М.Наимов ёзиб олган.

8.Зайниев Собир бахши - 1937 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Мустақиллик жамоа хўжалигида ишчи оиласида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. 2007 йил март ойида “Раббиман” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

9.Бакаров Нормурод - 1956 йилда Сурхондарё вилояти, Термиз туманида туғилган, миллати ўзбек(чиғатой уруғидан). Термиз санъат коллежида кафедра мудири вазифасида ишлаб келмоқда. 2007 йил март ойида “Дўрма” кўшиғини М.Наимов ёзиб олган.

10.Бобоназарова Назокат - 1949 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Ўшор қишлоғида ишчи oilасида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар хўжаликда oddий ишчи бўлиб хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Келин-куёв тўйида айтиладиган “Пахтаро-гир” кўшиғини 2003 йилда М.Наимов ёзиб олган.

11.Қурбонов Саттор - 1959 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Катари гузор маҳалласида туғилган, миллати ўзбек. Кўп йиллар “Бойсун” фольклор-этнографик ансамблида фаолият кўрсатган. Ҳозирда Термиз Давлат Университетининг “Педагогика ва мусиқа” факультетида катта ўқитувчи бўлиб ишламоқда. “Янгажон”, “Бойсун ёр-ёри” кўшиқларини 2007 йил июн ойида М.Наимов ёзиб олган.

12.Ибодова Гулжон – 1930 йилда Сурхондарё вилояти, Денов тумани Пожур қишлоғида деҳқон oilасида туғилган, миллати тожик. Кўп йиллар колхозда хизмат қилган, ҳозирда нафақада. Мавсумий меҳнат маросим кўшиқларини 2003 йилда М.Наимов ёзиб олган.

МУНДАРИЖА

Кириш

Тўй маросим қўшиқлари

Лайла-ло

Пахтаро гир

Нақш қўшиғи

Ёр-ёр

“Наврўз” қўшиқлари

Охай-оҳай

Оҳ-воҳ

Бедана

Мавсумий меҳнат маросим қўшиқлари

Ёзи

Майда

Йилнома-тақвим қўшиқлари

Раббиман

Турли мавзудаги халқ қўшиқлари

Во-велей

Ҳай доғу-доғ

Дўрма

Ҳуёлло

Лолача

Воҳ-воҳ тўрам

Алла

Янгажон

Маълумот берувчилар